

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 237-ҳадис**

237 - عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَزَا حَيْبَرَ، قَالَ: فَصَلَّيْنَا عِنْدَهَا صَلَاةَ الْعَدَاةِ بِعَلَسٍ، فَكَبَّ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَكَبَّ أَبُو طَلْحَةَ، وَأَنَا رَدِيفُ أَبِي طَلْحَةَ، فَأَجْرَى نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي رُقَاقِ حَيْبَرَ، وَإِنَّ كُتْبِي لَتَمَسُّ فَيَحْذَنِّي اللَّهُ ﷻ، وَأَنْحَسَرَ الْإِزَارُ عَنِّي فَحِذَنِّي اللَّهُ ﷻ، فَإِنِّي لَأَرَى بَيَاضَ فَيَحْذَنِّي اللَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا دَخَلَ الْقَرْيَةَ، قَالَ: «اللَّهُ أَكْبَرُ، خَرِبَتْ حَيْبَرُ، إِنَّا إِذَا تَرَلْنَا بِسَاحَةِ قَوْمٍ فَسَاءَ صَبَاحُ الْمُنْذَرِينَ»، قَالَهَا ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، قَالَ: وَقَدْ خَرَجَ الْقَوْمُ إِلَى أَعْمَالِهِمْ، فَقَالُوا: مُحَمَّدٌ، وَاللَّهِ - قَالَ عَبْدُ الْعَزِيزِ: وَقَالَ بَعْضُ أَصْحَابِنَا: مُحَمَّدٌ، وَالْحَمِيسُ - قَالَ: وَأَصْبَنَاهَا عَنَوَةً، وَجُمِعَ السَّبِيُّ، فَجَاءَهُ دَحِيَّةٌ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَعْطِنِي جَارِيَةً مِّنَ السَّبِيِّ، فَقَالَ: «أَذْهَبْ، فَحُذِنِي جَارِيَةً»، فَأَحَدَ صَفِيَّةَ بِنْتَ حُبَيْبٍ، فَجَاءَ رَجُلٌ إِلَى نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، أَعْطَيْتِ دَحِيَّةَ صَفِيَّةَ بِنْتَ حُبَيْبٍ سَيِّدَ فَرِيضَةَ وَالنَّضِيرِ؟ مَا تَصْلُحُ إِلَّا لَكَ، قَالَ: «ادْعُوهُ بِهَا»، قَالَ: فَجَاءَ بِهَا، فَلَمَّا نَظَرَ إِلَيْهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: «حُذِنِي جَارِيَةً مِّنَ السَّبِيِّ غَيْرَهَا»، قَالَ: وَأَعْتَقَهَا وَتَرَوَّجَهَا، فَقَالَ لَهُ ثَابِتٌ: يَا أَبَا حَمْرَةَ، مَا أَصَدَفَهَا؟ قَالَ: نَفَسَهَا أَعْتَقَهَا، وَتَرَوَّجَهَا، حَتَّى إِذَا كَانَ بِالطَّرِيقِ، جَهَّزْتُهَا لَهُ أُمُّ سُلَيْمٍ، فَأَهْدَتْهَا لَهُ مِنَ اللَّيْلِ، فَأَصْبَحَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَرُوسًا، فَقَالَ: «مَنْ كَانَ عِنْدَهُ شَيْءٌ، فَلْيَجِئْ بِهِ»، قَالَ: وَبَسَطَ نِطْعًا، قَالَ: فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِالْأَفْطِ، وَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِالتَّمْرِ، وَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِالسَّمْنِ، فَحَاسُوا حَيْسًا، فَكَانَتْ وَلِيمَةً رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

[خ 3071، م 1365، ت 1095، س 547، د 2054، ج 1908].

Абдулазиз ибн Суҳайб Анас розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Хайбарга ғазот қилдилар. Ғираширада унинг яқинида бомдод намозини ўқидик. Кейин Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васаллам уловга миндилар. Абу Талҳа ҳам уловга минди, мен эса Абу Талҳага мингашиб олдим. Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васаллам (уловни) Хайбарнинг тор кўчасига ҳайдадилар. Тиззам Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васалламнинг сонларига тегиб турар эди. Бир пайт изор кўтарилиб, Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васалламнинг сонлари очилиб қолди, мен Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васалламнинг сонлари оқлигини кўриб турардим. Қишлоққа кирганларида: **«Аллоҳу акбар! Хароб бўлсин Хайбар! Биз бирор қавмнинг ерига тушсак, огоҳлантирилганларнинг тонги нақадар ёмон бўлур!»** деб уч марта айтдилар. Қавм ўз ишларига чиқиб бўлган экан, (бизни кўриб) «Аллоҳга қасам, Муҳаммад (келибди)!» дейишди. – (Ровий) Абдулазиз айтади: «Баъзи шерикларимизнинг айтишича, «Муҳаммад ва бешлик!»* дейишган. – Биз у ерни куч билан қўлга киритдик. Кейин асирлар жамланди. Дихя келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, асирлардан менга бир чўри беринг», деди. У зот: **«Бориб, бир чўрини олавер»**, дедилар. У Сафийя бинт Хуяйни олди.

Шунда бир киши Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Набийси, Дихяга Қурайза ва Назир қабиласининг саййиди Хуяйнинг қизи Сафийяни берибсиз. Аммо у фақат сизга муносиб», деди. **«Чақиринглар, уни олиб келсин»**, дедилар. У (Сафийяни) олиб келди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга назар солиб, (Дихяга) **«Асирлардан бошқа чўри олақол»**, дедилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам уни озод қилдилар ва унга уйландилар».

Шунда Собит унга: «Эй Абу Ҳамза*, у зот унга нимани маҳр қилиб бердилар?» деди. У шундай деди: «Унинг ўзини. Уни озод қилдилар ва унга уйландилар. У зот йўлдаликларида Умму Сулайм унинг сеп-сидирғаларини тайёрлаб, кечки пайт у зотнинг ҳузурларига кузатди. Шундай қилиб, Набий соллаллоху алайҳи васаллам кўев бўлиб тонг оттирдилар.

Кейин у зот: **«Кимда бирон (егулик) нарса бўлса, олиб келсин!»** дедилар ва тери дастурхон тўшадилар. Кимдир ақит, кимдир хурмо, яна кимдир сариёғ олиб кела бошлади. Кейин уларни аралаштириб, ҳайс* тайёрлашди. Мана шу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг валиймалари* бўлди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Изоҳ: Хайбар воқеаси милодий 629 йилга тўғри келади. Хайбар аҳли Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ва мусулмонларга қарши катта

қўшин тўпланиб, уларга қарши уруш очишга тайёргарлик кўрила бошланган эди. Улар орасида Мадинадан хиёнаткорлиги сабабли қувғин қилинган Бану Назир каби қабилалар ҳам бор эди. Пайғамбар алайҳиссалом бу ҳақда хабар топиб, бу фитнанинг олдини олишга қарор қилдилар ва қўшин билан улар устига юриш қилдилар. Ҳадисда таъкидланишича, улар аввалда ҳам бундай хиёнат ва босқинчилик қилмасликлари ҳақида огоҳлантирилган эдилар.

Сафийя розияллоҳу анҳо Хайбар бошлиқларидан бири Хужайнинг қизи бўлиб, Хайбар урушида тушган асиралар ичида эди. У Дихя Калбийга ўлжа сифатида берилди. Шунда айрим кишиларда Сафийянинг аслзодалиги ва бошқа жиҳатларини эътиборга олиб, унинг Дихя Калбийга берилишига эътироз пайдо бўлди. Чунки аскарлар ичида бундай мартабали аёлга эга бўлишга Дихя Калбийдан кўра ҳақли кишилар бор эди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафийянинг мавқеини, шаънини сақлаш ва фитнанинг олдини олиш мақсадида уни ўзларига олиб, озод қилдилар, сўнг унга уйландилар ва шарафига тўй ҳам қилиб бердилар. Ибн Саъд ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафийя розияллоҳу анҳони озод қилиб, ҳузурига кирганларида унга қавмига қайтиш ёки Исломга кирса, никоҳларига олишлари хусусида ихтиёр берганлар. Шунда унинг ўзи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиқишни танлаган.

* Ўша даврда қўшин беш қисмдан таркиб топган: олд қисм, орқа қисм, ўрта қисм, ўнг ва чап қанотлар. Шунинг учун араблар қўшинни «бешлик» деб аташган.

* Абу Ҳамза – Анас розияллоҳу анҳунинг куняси.

* Ҳайс – қуриган хурмо, ёғ ва толқон аралашмасидан тайёрланадиган таом.

* Валийма – никоҳ муносабати билан уюштирилган зиёфат, тўй.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

